



Ташаббус бандликка
кўмак, боқимандаликка
барҳам беряпти

2-с.

Хонадон ҳолатини
ўрганмасак, турмушини
ўзгартириш имконсиз

7-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
5 МАРТ,
ЧОРШАНБА

№17
(2241)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Мутолаага ошнолар кўп, аммо кутубхона китобга муҳтож

Мактабимизда кичик кутубхона мавжуд бўлса-да, талабга жавоб бермайди. Замонавий китоблар ва ресурс етишмайди. Шунинг учун маҳаллада кутубхона ташкил этиш зарурати бор.

4-с.

Қонуний фаолият солиқ тушумини ҳам, даромадни ҳам оширяпти

Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бор. Мазкур маблағлар “маҳалла еттилиги” аъзоларининг коллегиал қарори асосида мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишга сарфланяпти.

5-с.

“Дилдан кўмак бериш учун доим камарбастамиз”

Ижтимоий ходимнинг маҳалладаги ўрни ва вазифалари тобора ортиб бормокда. Унинг макomini янада кўтариш мақсадида махсус гувоҳнома жорий этилишини таклиф қилмоқчиман. Бу ҳужжат хонадонларга кирганда асқатишни аниқ.

6-с.

“Пирим” деб дуо қилиш жоизми?

Ҳар қандай истак, тилаклар фақат Ёлғиз Аллоҳдан сўралиши керак. Айниқса, вафот этган авлиёлар ҳожатларни ҳал қилади, ғам ташвишларни кетказади, деб, улардан ёрдам, мадад ва қўллаб-қувватлашни сўраб этикод қилиш қаттиқ адашишдир.

8-с.

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Жаҳон банки вакиллари — Икуко Уочи ҳамда Даря Мирошникова билан учрашув ўтказилди.



Мулоқот аввалида меҳмонларга мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, “маҳалла еттилиги” ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жаҳон банки вакиллари

Ўзбекистонда давлат томонидан маҳалла институтига қаратилаётган эътиборни алоҳида эътироф этди. Ижтимоий ташаббусларни самарали амалга ошириш, маҳаллани ривожлантириш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ



ЖАРАЁН

ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ “ЕТТИЛИК” НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган кўмак чораларини кўрсатишга доир тартиб-таомилларни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, “Оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган кўмак чораларини кўрсатиш учун ижтимоий шартнома тузиш тартиби тўғриси-

да”ги Низом тасдиқланди. Маҳаллалардаги камбағал оилаларга кўмак чоралари 2025 йил 1 мартдан бошлаб, Сирдарё вилояти Ховос туманида, 2025 йил 1 майдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида ижти-

“

Мажбурият бажарилмаса, ижтимоий нафақалар 30 фоизга камайтирилади.

мой шартнома асосида кўрсатилади.

Камбағал оилаларга кўмак чоралари ижтимоий шартномада назарда тутилган мажбуриятлар асосида, хусусан, оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари бандлигини таъминлаш, фарзандларининг дарсларда мунтазам қатнашиши, уй-жойини озода сақлаши, томорқадан самарали фойдаланиши (экин экиши), имтиёзли тарзда ажратилган моддий-техника воситалари ва маблағлардан мақсадли фойдаланиши шартли билан кўрсатилади.

Оилалар ижтимоий шартнома шартларини бажармаган тақдирда, уларга тўланадиган болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдори “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори билан 30 фоизгача камайтирилади. Индивидуал режада кўрсатилган кўмак чоралари, жумладан, тураржой ижараси учун компенсация, вақтинчалик бошпаналарга жойлаштириш, ОТМнинг тўлов-шартнома суммасининг бир қисmini тўлаб бериш тўхтатилади.

2025 йил 1 мартдан бошлаб, “Рақамли маҳалла” электрон платформа-сида ижтимоий шартнома асосида ижтимоий кўмак чораларидан фойдаланиб, ўзининг мажбуриятларини бажармаган фуқароларнинг реестри юритилади.

Реестрга киритилган шахсларга “маҳалла еттилиги” ёки уларнинг вакиллари имтиёзли кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турлари учун тавсиялар бермайди.

Ижтимоий шартнома мажбуриятларининг бажарилишини “маҳалла еттилиги” аъзолари доимий равишда назорат қилиб боради.



4-с.

ЗЎРАВОНЛИККА
ҚЎЛ УРМАСЛИК
УЧУН БОЛА
ТАРБИЯЧИСИГА
ТАРБИЯ КЕРАК

“Маҳалла” атамаси ЮНЕСКО рўйхатига киритилади...(ми?)

“Маҳалла” атамаси ЮНЕСКО ҳузуридаги Инсониятнинг номоддий маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритилиши мумкин.

Ҳап шундаки, аввалроқ ЮНЕСКО халқаро эксперти Маарит Жаккола хоним Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида бўлиб, Медиа марказ фаолияти билан танишганди.

ЮНЕСКО вакиласи Ўзбекистонда медиа соҳасига қаратилаётган эътиборни алоҳида эътироф этган ҳолда, келгусида фаол ҳамкорлик қилиш ниятини билдирди.

Учрашувда “Маҳалла” атамасини ЮНЕСКО ҳузуридаги Инсониятнинг номоддий

“

Бугунги кунда ЮНЕСКО рўйхатига Ўзбекистон номидан 16 та элемент киритилган. Наврўз, аския, палов, шашмақом, рубоб ясаш, ифторлик, Хўжа Насриддин латифалари шулар жумласидан.



маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритиш таклифи билдирилди. Шунингдек, суний ин-

теллект дастурлари билан ишлашда ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

ЯНГИЛИК

АЖРАШИШ
ОХИРГИ
ЧОРА ЭМАС...



7-с.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги ҚАРОРИ ИМЗОЛАНДИ.



Президент Шавкат Мирзиёев ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тақдимот билан танишди.



“Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўрак нишонни соҳибларига бериладиган ПУЛ МУКОФОТИ МИҚДОРИ БҲМнинг 15 бараварига оширилди.

ТАЖРИБА

Ташаббус бандликка кўмак, боқимандаликка барҳам беряпти

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИНИ Йўлга қўйиш натижасида ҳудудлардаги муаммолар тезкор ҳал этиляпти. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки кўзга ташланыпти.



Мақсуд ИБРОҲИМОВ, Тупроққалъа туманидаги “Навбахор” маҳалласи раиси.

Бунинг тўғрисида маҳалламиз мисолида кўриш мумкин. Ҳудудда 3 450 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари

асосида инфратузилма яхшиланиб бораёпти. Мисол учун, 2024 йилда 4,2 км. ички йўл асфальтланди, 3 500 метр электр тармоғи янгиланди, 3,5 км. тупроқ йўл шағалланди, 1,5 км. узунликда оқова сув тармоғи тортилди. Бундан ташқари, 4,2 км. масофада пиёдалар ва велосипед йўлакчаси қурилди. 102 та қуёш панели ёрдамида ёритишга мўлжалланган тунги кўча чироклари

ўрнатилди. Тўртта кўп қаватли уй бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўсиш нуқтами — савдо ва хизмат кўрсатиш. Шундан келиб чиқиб, ишсизликни қисқартиришга интиляпмиз. Лекин ҳоҳида ишлашни хоҳламайдиган, тайёрга айёр яшашни истовчилар учраб туради. Бу каби боқимандалар ҳаётда интилиб яшамайди, фақат бошқаларнинг ҳисобига кун кўришни афзал билади. Бошқа-

ча айтганда, дунёни сув босса, тўпига чиқмайди. Улар билан алоҳида иш ташкил этиб, тушунтириш олиб бораёпмиз. Натижада ташаббускорлар сони ортиб бораёпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида ўзига хос тажриба тўплаганмиз. Масалан, жорий йил бошидан жами 18 нафар ишсиз ёш “UZAUTO MOTORS” АЖ Хоразм филиалга ишга жойлаштирилди. 12 нафари имтиёзли кредит олди, 10 нафари домий ишга жалб қилинди.

Яшил муҳитни ташкил қилиш учун кўчаларга, кўп қаватли уйлар олдида 3 400 дона мева ва манзарали дарахт кўчати, 25 000 тулрайхон, атиргул экиш бошланди.

Оила мустақкам бўлса, жамият ривожланади. Шунинг учун оилаларнинг бузилиши билан боғлиқ муаммоларга “еттилик” бирга ечим топапти. Таҳлилларга кўра, бу салбий иллатнинг энг асосий сабаблари фарзандсизлик, ичкилик ва оиладаги нотинчлик, миграция ҳамда моддий етишмовчилик экани аниқланди. Уларни бартараф этиш мақсадида ёшларга кўмаклашяпмиз, иш билан таъминлаб, касбга йўналтиряпмиз. Ўтган йилда 3 та ажралиш ёқасига келиб қолган оила яраштирилди. Маҳалламизни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “Йўл харита”си ишлаб чиққанмиз. Бунинг натижасида 2024 йилда 2 та жиноят содир этилган бўлса, 2025 йилнинг шу давригача бу каби кўнгилсизлик қайд қилинмади.

Бир сўз билан айтганда, ислохотлар ҳар бир хонадонга, оилага кириб бораёпти, инсонлар тақдирини ўзгартиряпти.



Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақида маълумот олдик. Хабарнинг бошланишида “Ўғирлик (очилмаган) “Боғимайдон” МФЙ 6-ИИБ” деб ёзиб қўйилган.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси.

Ёзилишича, фуқаро Ашурова Зебинисо Сурыатовна Самарқанд вилоят ИИБ навбатчилик қисмининг “102” рақамига кўнғирок қилиб, 2025 йил 31 январь куни соат 12:04 да ўзига тегишли бўлган банк пластик картасидан жами 9 миллион 730 минг сўм миқдордаги пуллар номаълум шахс томонидан ечиб олинганлигини маълум қилган ҳамда қонуний чора кўриш ва етказилган зарарни қоплашда амалий ёрдам сўраган.

Деярли бир ой олдин юз берган бу жиноят ҳақида “Боғимайдон” маҳалласи фаоллари, профилактика инспектори хабардор эмас. Бунинг сабаби битта: номи тилга олинган фуқаро умуман бошқа жойда — Самарқанд шаҳридаги “Чармгари” маҳалласининг Ромитан кўчасида истиқомат қиларкан. Унинг ўзи билан гаплашиб, жиноят Мирзо Улуғбек кўчаси 62-А уйда жойлашган “Туронбанк” ҳудудида содир бўлганини билиб олди.

Ҳўш, холис айтинг-чи, бу жиноятнинг “Боғимайдон” маҳалласига нима дахли бор? Кимдир адашдимми ёки “Чармгари” маҳалласи “қизил” тоифага тушмасин, деб, бир неча йил давомида жиноятчилик содир этилмаган бизнинг “яшил” тоифадаги маҳалламизни ёмонотлиқ бўлишини истадимми? Биз емаган сомсага пул тўлашни истамаймиз.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

КИМЛАР МАҲАЛЛА РАИСИ САЙЛОВИДА ҚАТНАША ОЛМАЙДИ?

Нозимжон БУЛТУРОВ, Тошкент шаҳри:

— Маҳалла раиси сайловида иштирок этиш мажбурийми ёки ихтиёрий? Агар мен сайловда қатнашишни истасам, рўйхатга қира оламанми?

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Бу саволга “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида батафсил жавоб берилган. Яъни маҳалла раиси лавозимига сайловда фуқароларнинг иштироки этиши ихтиёрий ва эркин. Бу жараёнда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Маҳалла раисини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар қатнашиши мумкин эмас. Фуқароларнинг иштироки этиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.



Балиқчилик — кам харажат, аммо сердаромад соҳа

Норин туманида тик қудуқлар атрофида балиқ етиштириш йўлга қўйилган. “Хўжакўрғонча” маҳалласида яшовчи Нурилло Маҳмудов бу борада яхши тажриба тўплаган. Шу боис кунча унинг хонадонидан туман семинари ўтказилди.

— Оила бюджетини мустақамлаш учун тадбиркорлик қилишни режалаштириб юрган эдим, — дейди Н.Маҳмудов. — Тик қудуқлар атрофида форель балиқ боқиш лойиҳаси доирасида хонадонимда иш бошладим. Бунинг учун имтиёзли кредит олиб, дастлаб яшаш уйим томига 5 кВт.ли қуёш панели ўрнатдим. Шундан сўнг тик қудуққа мотор қўйиб, “бочка” усулида ҳовуз қурдим. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра,



Ҳозир бу каби ҳовузлар қуришга маҳалладошларим ҳам киришмоқда.

битта ҳовузнинг ўзидан 1 000 дона чавақ ташлаб, 1 тонна балиқ етиштириш ҳисобида 31,5 млн. сўмдан ортиқ соф фойда олиш мумкин. Менинг ҳовузимга 2,5 минг дона балиқ сиғади. Ҳозир бу каби ҳовузлар қуришга маҳалладошларим ҳам киришмоқда.

Тадбирда ҳоким ёрдамчиси, “маҳалла банкири” хонадон томоқчасида форель балиғи боқишнинг афзалликлари, фойдаси, кредит олишнинг тартиби ҳақида батафсил тушунча берди. Балиқчилик йўналишида фаолият олиб бораётган тажрибали тадбиркорларнинг тавсиялари тингланди. Шу кунги 50 нафар хонадонидан балиқчиликни йўлга қўйиш истагидаги талабгорларга имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



Иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш ва хусусий секторнинг ролини янада ошириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



Президент фармониға кўра, 1 апрелдан бир қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг ЭКСКЛЮЗИВ ҳУҚУҚЛАРИ бекор қилинади.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ билан педагогларни аттестациядан ўтказиш, касбий сертификатлаш ва рағбатлантириш тизими такомиллаштирилади.

ТАШАББУС

МИГРАЦИЯДАН ҚАЙТИБ, МИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНГАНЛАР



Элдор АБДУРАҲМОНОВ, Музработ туманидаги “Юртим жамоли” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ўзбекистонда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга кўмаклашиш — умумхалқ ҳаракатига айланди. Амалий ишлар, молиявий ечим, ташкилий чоралар уйғунлаштирилди. Натижада ўтган қисқа даврда кўп йиллар оғир вазиятда бўлган миллионлаб одамларнинг имконияти яхшиланди.

Ислохотларга ҳамоҳанг тарзда ривожланаётган маҳалламиз “драйвери” — хизмат кўрсатиш. 5 минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида манзилли иш ташкил этилган. Бу жараёнда, айниқса, миграциядагилар билан ишлашга алоҳида эътибор беряпмиз.

Ўқтам Ҳайиталиев ишсизлик ва камбағаллик сабабли 6 йил давомида

хорижда, ватандан олисда ишлашга мажбур бўлди. У билан суҳбатлашиб, ислохотлар, ўзгаришлар, имкониятлар ҳақида маълумот бердим. Фикримиз бир жойдан чиқиб, оиласи бағрига қайтди. Унга ҳудуддаги бўш турган ер майдони фойдаланиш учун берилиб, 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бир гектар ерда иссиқхона ташкил этиб, етакчи тадбиркорга айланди. Худудда кулупнайчилик ўсиш нуқтасига айланди. Бугун Ҳ.Ҳайиталиев ўнлаб иш ўрни яратиш билан бирга, бошқаларга тажрибасини ўргатяпти.

Кўчат савдосининг ўзидан 500 миллион сўм фойда кўряпти. Иссиқхонада сентябрь ойида экилган 70 минг дона кулупнай декабрь ойида ҳосилга киради. Бир ойда 250 миллион сўм даромад олиб келади. Шу тарзда кечаги мигрант бугун миллионер тадбиркорга айланди. Томчилатиб суғориш

тизими ва ёмғир сувидан фойдаланиш самарали бўляпти. Масалан, оқова сув ишлатганда, 100 тонна сарфланарди. Замонавий технология асосида 15-20 тонна етарли бўляпти. Маҳсус ҳовуз қовлаб, шу ерда ёмғир суви тўпланяпти.

Етакчи тадбиркор Ўқтам Ҳайиталиев сарф-ҳаракати билан аҳоли хонадонидан 47 та иссиқхона ташкил этган. Кулупнайчилик “драйвер” соҳага айланган.

Қолаверса, маҳаллада хизмат кўрсатиш ривожланяпти. Шуҳрат Ғозиев давлат кўмагида 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, эшик-ром, дарвоза ясашни йўлга қўйди. Бир ойда 300 миллион сўм даромад топяпти. Бундан ташқари, 8 та янги иш ўрни яратди.

Гувоҳ бўлганимиздек, ҳудуд ишсизлик, камбағаллик ва жинойтчиликдан холи бўлиб борапти. Бу жараёнда “еттилик”нинг биргаликдаги сарф-ҳаракати муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ЭКИЛГАН КЎЧАТ НЕГА НОБУД БЎЛАДИ?

Хабарингиз бор, газета-мизда мунтазам равишда томорқага доир маслаҳатлар бериб бораётишимиз. Жумладан, ўтган сонимизда Ўзбекистонда кўчат экиш мавсуми бошланишини ҳисобга олиб, дастлабки тавсиялар билан ўртоқлашгандик.

Дарҳақиқат, шу вақтдан бошлаб, томорқа ҳамда боғларга янги ниҳоллар экиш бошланади. Аммо иқлим шароити, об-ҳавонинг мўътадиллигига қарамай, айрим кўчатлар нобуд бўлади. Ушбу сонимизда мана шу ҳолатга сабаблар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Кўчатларнинг қуриш сабаби биологик, агротехник, экологик ва патоген факторлар билан узвий боғлиқ. Ташиш ва сотиш жараёнида кўчат илдиз қисми совуқ ҳаво, қуёш нури ҳамда шамолдан зарарланиб, экилганидан сўнг кўкармаслиги мумкин.

ёки ёпишқоқ тупроқ илдиз зарарланишини тезлаштиради.

Ниҳол экилгандан кейин биринчи ҳафтадаги ҳарорат унинг ўсишида муҳим саналади. Ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ ҳаво кўчатларнинг қуришига сабаб бўлади. Шунингдек, экиш жараёнида илдиз тизимига етказилган шикастланиш сув ва озукавий моддаларни сингдириш қобилиятини сусайтиради. Азот (N), фосфор (P) ва калий (K) каби асосий элементлар етишмовчилиги ўсишнинг тўхташи ва қуришга олиб келади.

Илдиз тизими билан боғлиқ ҳолат ривожланиш ва олиннадиган ҳосилга катта таъсир кўрсатади. Заиф, майда ёки зарарланган бўлса, сув ва озукка моддаларни етарли даражада қабул қила олмайди, бу эса ўсишга тўсиқ бўлади. Оқибатда ўсимлик заифлашади ва ҳосил камаяди.

Тупроқ остида сув кўп тўпланиши кислота ва кислота моддаларининг концентрациясини оширади. Бу илдизларнинг кислотасига чидамсизлиги ва заифлашувини келтириб чиқаради. Тупроқ катта бўлакларга бўлинган бўлса, ўсаётган илдизнинг ер остида жой топиши мураккаб-лашади. Ташиш ва сотиш жараёнида кўчат илдиз қисми совуқ ҳаво, қуёш нури ҳамда шамолдан зарарланиб, экилганидан сўнг кўкармаслиги мумкин.



илдизлар тўқнашса, бир-бирининг ўсишига тўсқинлик қилади.

Мевали кўчатларнинг ерда илдиз отиб, кўкаришида иқлим ва тупроқ шароитига мос келиши муҳим.

Чўл ва ярим чўл минтақалар: Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларида ёнғоқ, бодом ва анор каби қуруқ ва иссиқ шароитларга чидамли дарахтлар яхши ўсади.

Тоғли ҳудудлар: Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида олма, гилос ва ўрик каби совуққа чидамли ва юқори намликка мослашган дарахтлар яхши кўкаради.

Водий ва дарё бўйи ҳудудлари: Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида шафтоли, анор, тут каби кўчатларни экиш маслаҳат берилади. Дарахтлар унумдор бўлиши учун тупроқни дренажлаш, калий ва фосфорга бой ўғитлар билан озиклантириш, мунтазам равишда тупрокни органик моддалар билан бойитиб туриш зарур.

Дашт ва ўрмон-дашт минтақалари: Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятларида олма, ёнғоқ, гилос каби ўрточа намлик ва ҳароратга мос келадиган дарахтларни экиш мумкин.

Алижон ЭСОНҚУЛОВ, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ЙЎЛЛАНМА БЎЛСА ҲАМ ИШГА ОЛИШМАЙДИМИ?”



Рисолат БОЙТЎРАЕВА. Миришкор тумани:

— Педагогика коллежини тамомлаб, бошланғич синф ўқитувчиси дипломини олганман. Бироқ таълим муассасаларида мос иш ўрни топилмади. Туман бандлик бўлимига мурожаат қилсам, йўлланма билан бир мактабга юборди. Лекин кадрлар хизмати ходими олий маълумотли эмаслигим учун ишга олишни рад этди. Шу иши қонунийми?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, иш берувчи малака талаблари ҳисобга олинган ҳолда захирага қўйилган ўринларга ишга жойлаштириш учун қонунчиликда белги-

ланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа ваколатли органлар юборган ижтимоий эҳтиёжманд тоифадаги шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Бироқ “малака талаблари ҳисобга олинган ҳолда” деган қисми бор. Бу дегани, бандлик бўлимлари йўлланмаси асосида ишга юборилган тақдирда ҳам, агар ўша бўш иш жойини эгаллаш учун маълум бир малака талаблари белгиланган бўлса, юборилган шахс бу талабларга тўғри келмаса, иш берувчи ташкилот уни ишга қабул қилмасликка ҳақли.

Масалан, ўша ташкилотдаги бўш жойга олий маълумот дипломи талаби қўйилган бўлса, кадрлар хизмати ходими тўғри талаб қилган.


Учкўрғон туманидаги маҳаллаларда қулушнай етиштириш ўсиш нуқтасига айланган. Жами 2 200 гектар майдонда қулушнай парвариланяпти.

Оқовлик” маҳалласида ишсизлик ва камбағалликни кискартиришда бу соҳа “драйвер” сифатида танлаб олинган.

— Ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли даромадини оширишда шу жойнинг ўзига хос жиҳати, иқлим шароити, ўсиш нуқтасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди маҳалла раиси **Зухриддин Мирзаев**. — Биз ҳам янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш, миграциядагиларни ватанга қайтаришда “драйвер” соҳаларни ривожлантиряпмиз. Биргина қулушнай етиштириш орқали 50 та янги иш ўрни яратдик.

Дилфуза Умаровага 2021 йилда ер ажратилган эди. Ҳаракатчанлиги сабабли қисқа вақтда даромад топишни бошлади. Эътиборлиси, оиланинг барча аъзоси шу ерда иш билан банд. Жорий йил яна бир ташаббус йўлга қўйилди. Иссиқхона ташкил этиш орқали қулушнайнинг экспортбоп, даромадли турлари парвариланяпти.

Аҳамиятлиси, бу усулда маҳсулот бошқаларга нисбатан 25-30 кун эрта пишяпти. Йилига 2-3 мартагача ҳосил олиш имконини берапти.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Қулушнай етиштиришда янги лойиҳа ишга тушди



Президент
хузуридаги
Статистика агентлиги
МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИ сифатида
қайта ташкил этилади.



“МАҲАЛЛАДАН –
РЕСПУБЛИКАГАЧА”
тамойили бўйича
статистик кўрсаткичларни
шакллантириш
тизими яратилади.



Сунъий интеллектдан
фойдаланган ҳолда
статистик
маълумотлардан
ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИ
оширилади.

4

№17 | 2025 йил 5 март, Чоршанба

Mahalla

МЕНДА САВОЛ БОР...

ФАРЗАНДИ НОГИРОН БЎЛГАНЛАР СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИМИ?

Гулчеҳра ОМОНОВА.
Поп тумани:

— Мен мактабда ўқитувчи бўлиб
ишлайман. 2-гуруҳ ногирони бўлган
ёш фарзандим бор. Айтингчи, оила-
сида ногирон фарзанди бор ходим-
лар солиқдан озод қилинадими?



Улуғбек ИСМАТУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти адлия
бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари:

— Солиқ кодексининг
380-моддаси 7-бандига кўра,
бололигидан ногиронлиги бўл-
ган шахс, доимий парваришни
талаб этадиган фарзанди билан
бирга яшаб, уни тарбиялаётган
ота ёки она солиқ солишдан
қисман, яъни даромадлар қай-
си ойда олинган бўлса, ўша
ойда ҳар бир ой учун меҳнатга
ҳақ тўлашнинг энг кам миқдо-
рининг 1,41 баравари миқдо-
рида солиқдан озод қилинади.

Шунга кўра, сизнинг иш
ҳақингиз солиқдан тўлиқ озод
қилинмайди. Унинг муайян
қисмига солиқ имтиёзи мав-
жуд. Мисол учун, ойлик даро-
мадингиз 3 миллион сўмни
ташқил этса, юқоридagi сумма
солиқдан озод қилингани ҳи-
سوبига сизнинг 1 628 550 сўм
миқдоридagi даромадингиздан
12 фоиз миқдоридa даромад
солиғи ундирилади.

Мазкур имтиёз пенсия
гувоҳномаси ёки соғлиқни
сақлаш муассасасининг дои-
мий парвариш зарурилигини
тасдиқловчи тиббий маълумот-
номаси асосида берилади.

Мутолаага ошнолар кўп, аммо кутубхона китобга муҳтож

Мактабда ўқитувчи
сифатида бошлаган
фаолиятимни ёшлар
етакчилиги билан боғлаш
осон бўлди. Қолаверса,
психология йўналишида
олган билимларим
орқали ёшларнинг
руҳий ва ижтимоий
ҳолатини ўрганиш,
уларга қандай ёрдам
бериш мумкинлигини
аниқлашда менда
етарлиқча кўнглим мавжуд
эди.

Мадриёр ЧОРИЕВ,
Жондор туманидаги
“Болиоб” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Шунга кўра,
ёшларнинг
қизиқишлари
ва эҳтиёжларига қараб,
уларни қўллаб-қувват-
лашни бошладим. Жорий
йилда, биринчи навбатда,
ёшларни хатловга олдик.
Хатловда ногиронлар,
боқувчисини йўқотган-
лар, ижтимоий ёрдамга
муҳтож ёшлар гуруҳларга
ажратилиб, уларнинг ҳар
бири учун ёрдам кўрсатиш
режасини тузиб олдим.
Хусусан, 15 нафар
ишсиз ёшга имтиёзли
кредитлар ажратишни
мўлжаллаб турибмиз, улар



МАНЗАРА

иссиқхона, чорвачилик,
деҳқончилик йўналиш-
ларида иш бошлайди.
Масалан, Шаҳзод Чориев
иссиқхонада бодринг
экишни йўлга қўйди. Ўтган
йили унинг ҳосилидан

кунига 300-400 минг
сўм фойда олди. Ҳозир
иссиқхонани кенгайти-
риш жараёнида. Мирфайз
Муртазоев эса нон чеҳи
очиш учун 150 миллион
сўм кредит олиш ниятида.

Ушбу цехда ёшларни иш
билан таъминлашни мақ-
сад қилган.

Маҳалламизда ижти-
моий ҳолати оғир бўл-
ган ёшлар ҳам мавжуд.
Хусусан, жазони ижро

этиш муассасаларидан
кайтарилган бор. Бир умр
айбдорлик ҳисси билан
яшамаслиги учун уларни
иш билан таъминлаш, бу
орқали ўзларини яхши
томондан кўрсатиши,
жамиятга фойда келтири-
шига имконият яратишни
зарур, деб ҳисобладим.
Шу боис бир нафар ёшни
темир дарвоза ясаш ва
пайвандлаш устахона-
сига жойлаштирдик. Яна
икки нафарини мавсумий
ишларга жалб қилдик.

Ҳозирги кунда ёшлар-
нинг билим олиши, маъна-
вий юксалишида кутубхо-
наларнинг ўрни бекиёс.
Мақтабимизда кичик ку-
тубхона мавжуд бўлса-да,
талабга жавоб бермайди.
Замонавий китоблар
ва ресурс етишмайди.
Шунинг учун маҳаллада
кутубхона ташкил этиш за-
рурати бор, маҳалладош-
ларимиз орасида китобга
ошно бўлганлар кўп. Шу
билан бирга, электрон
кутубхоналарни кен-
гайтириш керак. Ёшлар,
айниқса, ўқувчилар замо-
навий адабиётлар, касбга
тааллуқли китоблар билан
танишиб бориши, уларни
мутолаа қилиш имконига
эга бўлиши лозим. Шунда
уларнинг нафақат китобга
бўлган қизиқиши ортарди,
балки ийғит-қизларнинг
касб танлаш, ўз маҳорати-
ни ошириб боришига ҳам
шарт-шароит туғиларди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ғайбулло ОМОНОВ.
Норин тумани:

— КОРХОНАМИЗДА
ТУШЛИК ВАҚТИДА ИШ
ЖОЙИМИЗДАН ТАШҚАРИГА
ЧИҚАРИЛМАЙМИЗ. САБАБИ,
КОРХОНАДАГИ ОШХОНА
РАҲБАРИМИЗНИНГ
ТАНИШИГА ҚАРАШЛИ.
РАҲБАРНИНГ АЙТИШИЧА,
ҲАММА ШУ ЕРДАН
ОВҚАТЛАНИШИ КЕРАК ЭКАН.
ТАШҚАРИГА ЧИҚАМИЗ,
ДЕСАК, ИЧКИ ТАРТИБ
ҚОЙДАНИ ПЕШ ҚИЛИШАДИ.
БУНГА БИРОР ЧОРА БОРМИ?

“ТУШЛИКНИ ИШ ЖОЙИДА ҚИЛИШГА МАЖБУРМИЗМИ?”

Нафиса РУСТАМОВА,
Норин тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Меҳнат кодексининг 204-моддаси айнан
ишдаги танаффусларни тартибга солиди, жум-
ладан, ушбу модданинг 4-қисмига кўра, ходим-
лар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан
ўз ихтиёрига кўра фойдаланади. Бу вақтда улар
иш жойидан чиқиб кетиши мумкин.
Меҳнат кодексининг 8-моддасига кўра, ҳеч
бир ички ҳужжат (масалан, Ички меҳнат тартиби
қоидалари ва ҳ.к.) ёки иш берувчининг яққа
тартибдаги ҳуқуқий ҳужжати (масалан, буйруғи,



йўриқнома ва ҳ.к.) ходимнинг ҳуқуқий ҳо-
латини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан
ёмонлаштириши мумкин эмас.

Агар иш берувчи ушбу қоидаларга риоя қил-
маса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-
дексининг 49-моддасига кўра, меҳнат ва меҳнат-

Зўравонликка қўл урмаслик учун бола тарбиячиси ТАРБИЯ керак

ЖАМИЯТДА БАЪЗАН ЎҚИ-
ТУВЧИЛАР, ОТА-ОНАЛАР,
УМУМАН, КАТТАЛАРНИНГ
БОЛАЛАРГА НИСБАТАН
ҚЎПОЛ МУОМАЛАЛАРИ,
МУРҒАК ҚАЛБ ЭҒАЛА-
РИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ПОЙМОЛ ҚИЛИШ ҲОЛАТ-
ЛАРИ УЧАБ ТУРАДИ. БУ
БОЛАЛАРНИНГ РУҲИЙ ВА
ЖИСМОНИЙ САЛОМАТЛИ-
ГИГА ЖИДДИЙ ТАЪСИР
КЎРСАТАДИ, УЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИ
ЁМОНЛАШАДИ, РУҲИЙ
МУАММОЛАРГА ДУЧ
КЕЛАДИ.

Бола ҳуқуқлари бўйича
вакил (Болалар омбудсма-
ни) Сурайё Раҳмонованинг
маълум қилишича, ўтган
йили болаларга нисбатан содир
этилган зўравонлик ҳолатлари
юзасидан 14 та жиноят иши
ҳамда 18 та маъмурий иш қўзға-
тилган.

Таълим муассасаларида болага
жисмоний зўравонлик қилгани ва
ўз касбий фаолиятига совуққон-
лик билан қарагани учун 7 нафар
педагог ходим маъмурий жавобгар-
ликка тортилган бўлса, 22 нафари-
га нисбатан интизомий жазо қўл-
ланилган. Болага нисбатан қўпол
муомалада бўлгани учун ҳуқуқни
муҳофаза қилувчи органларнинг
3 нафар ходимиға интизомий жазо
чораси қўлланилган. Боланинг шаъ-
ни ва қадр-қимматини поймол қил-
гани учун 2 нафар фуқаро маъму-

рий жавобгарликка тортилган.

Бу каби ҳолатларнинг олди-
ни олиш, болалар манфаатларига
оид барча масалаларда шикоятлар
беришнинг самарали ва қулай ти-
зимини яратиш мақсадида Вояга
етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий
ёрдам кўрсатиш марказлари ҳамда
24-сонли тарбия колониясида
“Болалар омбудсмани қўтиси” ўр-
натилган. Болалар омбудсмани-
га “murojaat.gov.uz” платфор-
маси орқали мурожаат қилиш йўлга
қўйилган.

Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият
ва спорт масалалари қўмитаси
ўтказган ўрганишларда болалар
ҳуқуқларига оид яна бир қатор
жиҳатлар кўзга ташланган. Хусу-
сан, 2024 йил давомида Тошкент
шаҳрида болаларга нисбатан бир
неча маротаба жиноят содир этили-
ши ҳолатлари қайд этилган. Мазкур



ФИКР

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ
Вояга етмаганларга ижтимоий-
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази-
да мактаб ёшидаги болалар учун
таълим олиш имконияти яратиб
берилмаган.

Айтиш керакки, болаларга
нисбатан зўравонликнинг олдини
олиш учун жамиятда кенг миқёсда
ҳуқуқий ва психологик ёрдам ти-
зимини кучайтириш зарур. Бу жа-
раёнда таълим муассасаларининг
ролини ошириш лозим. Жумла-
дан, ўқитувчиларнинг мунтазам
равишда педагогик малакасини
ошириб бориш, болалар ҳуқуқла-
ри ҳақида тушунчалар билан та-
ништириш уларнинг психологик
ёндашувларини ривожлантиришга
ёрдам беради.

Бундан ташқари, ўқитувчиларга
болалар билан ишлашда самара-
ли ва тўғри ёндашувларни ўрга-
тиш, улар учун махсус тренинглар
ташқил этиш зарур. Худди шундай
ота-оналар учун ҳам психологик
тренинглар, оилавий муносабат-
ларни яхшилашга қаратилган курс-
лар ва семинарлар ўтказиш муҳим.
Улар болаларга қандай қилиб меҳр
билан ёндашиш, ҳуқуқларини ҳур-
мат қилиш ва тарбиялашда қандай
усуллардан фойдаланиш керакли-
гини тушуниши керак. Шундагина
биз болалар учун хавфсиз, соғлом
ва ривожланишга имкон яратати-
ган муҳитни таъминлай олаемиз.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Айрим тадбиркорларга 1 фоизлик ижтимоий солиқ ставкасининг амал қилиш муддати 2028 йил 1 январгача узайтирилди.



Худудларда 2025 йилда 652 ТА ДРАЙВЕР ЛОЙИХАНИ инфратузилма билан таъминлаш учун 1 триллион сўм йўналтирилади.



2025 йилда ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА 3 миллион кишини даромадли меҳнат билан таъминлаш белгиланди.



ИМКОНИАТ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИБ, ТАКСИЧИЛИК ҚИЛИШ МУМКИН

Енгил автотранспорт воситаларида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига қайта киритилди. Аввал ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида йўловчи ташишга 2025 йил 1 январгача рухсат берилган эди.

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Албатта, бунинг учун лицензия варақаси талаб этилади. Агар сиз ушбу фаолият тури билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, “Soliq” мобил иловаси орқали ўзини ўзини банд қилган шахс сифатида бепул рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даври (йил) давомида меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган 100 миллион сўмгача бўлган даромадларига солиқ солинмайди. Бу жараёнда йил тугаши билан янги йил бошидан даромадлар қайтадан ҳисобланади.

Солиқ даврида даромадлари 100 миллион сўмдан ошганда яққа тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартиб асосида солиққа тортилади. Мисол учун, 2024 йилда даромадлари 100 миллион сўмдан ошмаган ёки ошган тақдирда 2025 йилда ҳисоб-китоб “нол”дан бошланиб, уларнинг 100 миллион сўмгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайди.

Шунингдек, такси фаолияти билан банд бўлганларга содда ва қулай бўлиши учун даромади 100 миллион сўмдан ошганда (лекин 1 миллиард сўмгача) улар учун солиқни солиқ агентлари (такси агрегатори) тўлов манбаида автоматик ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф қабул қилиниб, қонунчиликка киритилганида ушбу тартиб асосида солиққа тортиш тизими жорий этилади.

Маълумот учун, 2025 йил 1 февраль ҳолатига қўра, 736 минг нафар ўзини ўзи банд қилган шахслар йўловчи ташиш билан шуғулланади.

СОЛИҚЧИ – ҚЎМАҚЧИ

ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ СОЛИҚ ТУШУМИНИ ҲАМ, ДАРОМАДНИ ҲАМ ОШИРЯПТИ

Мирзо Улуғбек ҒУЛОМЖОНОВ,
Андижон шаҳридаги “Майдонбозор” ва “Шифокор” маҳаллалари солиқ инспектори.

“Маҳалла-бай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти.

Айниқса, солиқ ходимларининг “еттилик” таркибига киритилиши барча учун фойдали бўляпти. Олдин унча эътибор қаратилмаган кичик солиқ тўловчилар билан алоҳида ишляпмиз. Шу сабабли солиқ базаси кенгаймоқда. Аҳолининг ер ва мол-мулк солигини ундириш осонлашди.

Энг муҳими, норасмий ишляётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишлаши таъминланяпти. Натижада кўшимча манбалар ҳисобидан маҳаллий бюджетга тушумлар ортяпти. Биргина менга бириктирилган маҳаллаларда хонадонида ёки кичик дўкончалар ташкил этиб, норасмий савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётган фуқароларга тадбиркорларга берилётган имтиёз ва имкониятларни

тушунтирганимдан сўнг жорий йилнинг ўзида икки нафари расмий рўйхатдан ўтиб, қонуний иш бошлади. Битта корхонада норасмий ишляётган фуқаро фаолияти қонунийлаштирилди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 3 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. Тадбиркорлар сони 174 тага ортиб, солиқ тушумлари 17 фоизга кўпайди.

Ҳар икки маҳалла шаҳар марказида жойлашгани учун кўпроқ тадбиркорлик ривожланган. Масалан, “Майдонбозор” йиғинида ўнлаб оёқ кийимлар тайёрловчи хунараманд оилалар фаолият юртяпти. “Шифокор” маҳалласи эса чакана савдога ихтисослашган. Бугунги кунда худуддаги 30 та юридик корхона, 144 нафар яққа тартибдаги тадбиркор ўзи ва оиласини, қолаверса, маҳалладошларини даромадли қияпти. 1 127 нафар фуқаро тикувчилик, қандалатчилик, сартарошлик, таксичилик каби турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромадга эга бўлди.

Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бор. Мазкур маблағлар

“маҳалла еттилиги” аъзоларининг коллегиял қарори асосида мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишга, йиғин худудини ободонлаштиришга, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга сарфланяпти. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга мол-мулк ва ер солигини вақтида тўлашга рағбат бўляпти. Албатта, гуруч курмакиси бўлмайди, деганларидек, ишсиз, иқтисодий қийинчилик сабаб солиқ тўловларни ўз вақтида амалга оширолмаётган фуқаролар ҳам бор. Бундай муаммоларни бартараф этишда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ишляпмиз. Тадбиркорлик қилиш истаги ва салоҳияти бор фуқароларга имтиёзли кредит берилляпти. Касбига қараб, бўш иш ўринларига жойлаштиряпмиз. Шу орқали аҳолининг даромади манбаини ошириб, “маҳалла бюджети”ни шакллантиряпмиз.

Мазкур маҳаллаларда кўшимча солиқ тушумларини оширишнинг ягона йўли – тадбиркорликни ривожлантириш. Шу боис озиқ-овқат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича ўз тақлифларимизни бердик.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

20 МАРТДАН БОШЛАБ “ТЕМУ” ДАН ФОЙДАЛАНИШ ЧЕКЛНАДИ

Шу кунларда “ТЕМУ” электрон савдо платформаси фаолияти тўхтатилиши ҳақида турли хабарлар тарқалмоқда. Бу, ўз навбатида, кўплаб юртдошларимизни хавотирга соляпти. Чунки айрим фуқаролар ушбу платформа орқали буюртма бериб, Хитой давлатидан арзон товарлар олиб келишяётган эди.



Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда Солиқ қўмитаси ушбу масала юзасидан ахборот берди. Унда қайд этилишича, электрон тижорат операторлари, хусусан, электрон савдо платформалари операторлари сифатида фақат юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари фаолият юритиши мумкин.

Ахборотда айтилишича, мамлакатимиз фуқароларига хизмат кўрсатувчи хорижий электрон савдо платформалари фаолиятини ўрганиш жараёнида уларнинг айримлари Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат, чакана савдо, реклама, шахсий маълумотлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаётганлиги аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, 2025 йил 20 мартдан бошлаб хорижий электрон савдо платформаларидан, хусусан, “ТЕМУ” платформасидан фойдаланиш белгиланган тартибда чекланади.

Тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида юртдошларимиздан бугунги кундан бошлаб “ТЕМУ” платформасида буюртма бермасликлари сўралади. Бу жараёнда агар буюртма бундан олдин амалга оширилган бўлса, платформада тўловни қайтаришни ташкил этиш тавсия этилади.

Ушбу баёнотдан сўнг жамоатчиликда “AliExpress” ва “Amazon” каби электрон савдо платформаларга нега бундай таъқиқлар киритилмагани қизиқтиряпти. Ўйлаيمизки, масъул ташкилот ходимлари истеъмолчиларнинг бундай саволларига жавоб беришади.

Мақсадбек ҚЎҚОҚОВ.

Биринчи марта огоҳлантирилади, кейин текширилади

2025 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ органлари ходимлари ўзларига бириктирилган корхоналарда ёки маҳаллалардаги тадбиркорлик субъектларида солиққа оид айрим ҳуқуқбузарликларни аниқласа, биринчи марта огоҳлантириш берилади.

Бехзод БОТИРАЛИЕВ,
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Огоҳлантиришдан кейин уч кун ичида солиққа оид ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаса ёки такоран аниқланса, сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлади. Солиққа оид ҳуқуқбу-

зарликлар бўйича сайёр солиқ текширувини текширув бошлангандан кейин 24 соат ичида “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Бизнес-омбудсманни хабардор қилиш тартибиде амалга оширишга рухсат этилади. Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома сайёр солиқ текшируви бўйича қарор

қабул қилиш учун асос бўлади.

Бу фақат қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун амал қилади:

– назорат-касса техникалар ва тўлов терминалларида фойдаланиш тартибини бузиш;

– меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар ва иш ҳақи фондини солиқ ҳисоботида акс эттирмаслик;



ЭШИТДИНГИЗМИ?

– ер участкаларидан ҳужжатсиз ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан кўп микдорда фойдаланиш;

– фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш ёки қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмини солиқ ҳисоботида кўрсатмаслик.

2025 йил 1 майдан бошлаб “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” автоматлаштирилган дастури натижаларига асосан, солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) фактлари бўйича солиқ текширувлари бошлангани тўғрисида тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш талаб этилмайди.

Амалдаги тартибга қўра, хабарнома 10 иш кунидан кечиктирмай берилиши керак.



2024 йилда
Ўзбекистон аҳолиси
ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА
жами 19,7 триллион
сўмдан ортиқ
маблағ сарфлади.



1 мартдан
айрим боғчаларнинг
педагог кадрлари учун
МОБИЛЬ МАЛАКА
ОШИРИШ хизматлари
йўлга қўйилади.



Ёлғиз она (ота)га
ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА
асосида боғча хизматлари
учун БХМнинг бир ярим
бараваригача миқдорида
моддий ёрдам берилади.

6

№17 | 2025 йил 5 март, Чоршанба

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Дилдан кўмак бериш учун доим камарбастамиз”

ИЖТИМОЙ ХОДИМ СИФАТИДА ИШ БОШЛАГАН ИЛК КУНЛАРИМ МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ОЛАЁТГАН ОИЛАЛАР СЕНИ 200 ТАДАН ОРТИҚ ЭДИ. ҲАҚИҚИЙ ВАЗИЯТНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРДИМ.



Зарина УСМОНОВА,
Жондор туманидаги
“Нурафшон” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Аҳоли билан суҳбатлашиб, чиндан муҳтож кишилар рўйхатини шакллантирдим. Олиб борилган сайёҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозир кам таъминланган оилалар 97 тани ташкил этмоқда.

Уйма-уй юриб, маҳаллани айланар эканман, катталарни опамдек, кичикларни ўз укам, синглимдек кўриб, дилдан суҳбат кураман. Кимни қандай муаммо ўйлантираётган бўлса, аввалига барча тафсилотлари билан қизиқаман. Бирга ўтириб, ечимларини излаймиз. Уларга маъқул келган таклифларни амалга оширамиз.

Момогул Воҳидо-



ва 1-гурӯх ногирони. Анча вақтдан буён ётиб қолган, ҳаракатлана олмайдди. Ёлғиз ўғли хорижий давлатга ишлаш учун кетган. Турмуш ўртоғи ҳеч қаерда ишлагани боис уни аёлига қаровчи сифатида бириктирдик. Оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида 6 ойлик моддий ёрдам тайинланди. Бундан ташқари, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан даволаниши учун 4 миллион 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шундан кейин ҳолати анча яхшиланди. Ўзи бемалол ўтириб, қўлларини кимирлатишни бошлади. “Инсон” маркази билан ҳамкорликда аёлга электрон юритмали арава берилгач, кўчаларни айланиб, кайфияти

янада кўтарилди. Оила давлат кўрса-таётган ғамхўрлик ва эътибордан жуда миннатдор. Қачон уйига хабар олгани борсак, хурсандчилик билан қарши олади.

Маҳаллаимиздаги 171 нафар ногиронлиги бўлган кишининг протез-ортопедия мосламаларига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида ўтган давр мобайнида 75 миллион сўмлик махсулот тақдим этилди. Натижада 37 нафар фуқаронинг ҳаракатланиши аввалгидан анча осонлашди. Хусусан, Ғолиб Шариповга 35 миллион сўмлик оёқ протези берилди. Ҳозир ўз устида ишлаб, аввал бошлаган қўйчилик фаолиятини янада кенгайтирмоқчи. Ўзи бемалол яйловларда

боқиб юрибди.

Камбағал сифатида реестрга киритилган бир оилада эр-хотин иккиси яшайди. Улар соғлиги кўтармагани учун ҳеч қаерда ишламайди. Меҳнат стажига етарли бўлмагани боис нафақага чиқолмай юрган экан. Оила вакилларига кўрсатилган юридик хизмат сабаб барча муаммолар ижобий ҳал бўлди. Бундан ташқари, бепул дори-дармон берилди ҳамда тиббий кўрикдан ўтказилди.

Жорий йилда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Айни вақтда шу тоифадаги фуқароларнинг 40 нафари имконияти даражасида меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг сафини янада кенгайтириш учун, асосан, касб-ҳунар марказларига йўналтиришни мақсад қилганмиз.

Жумладан, Зуҳро Асқарова мономарказда компьютер технологиялари соҳасида стипендия олиб ўқияпти. У ерни тамомлагач, маҳалла идорасига ишга олишни ўйлаб турибмиз.

Ижтимоий ходимнинг маҳалладаги ўрни ва вазифалари тобора ортиб бормоқда. Унинг мактабидан янада кўтариш мақсадида махсус гувоҳнома жорий этилишини таклиф қилмоқчиман. Бу ҳужжат хонадонларга кирганда, турли ташкилотларга борганда асқатиши аниқ.

КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ, БУ — ИМКОНИАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ДЕГАН



“Ногиронлиги бўлган болалар
учун кундузги парвариш хизматини
ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул
қилинди.

Унга мувофиқ, 2025 йил 1 мартдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 2025 йил 1 октябрга қадар республиканинг қолган ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилади.

Кундузги парвариш хизмати яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бошқармалари тегишли давлат шериги ҳисобланади.

Кундузги парвариш хизматининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлари агентлигининг “Кундузги парвариш хизматини бошқариш” ахборот модулида электрон шаклда тузилади ва томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартлари хусусий шерик томонидан лозим даражада бажарилишини назорат қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАРГА БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ТЎЛАНАДИ?

Шарофат АЗИМОВА,
Хоразм вилояти:

— 3 нафар фарзандим бор. Шароитимиз ўртаҳол. Ўзим ҳеч қаерда ишламайман. Болалар нафақаси олиш учун ҳужжат топширмоқчи эдим. Аслида, бу моддий ёрдам кимларга тайинланади?

Сирожиiddин ЙЎЛДОШЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси шўъба мудир:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тулаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, болалар нафақаси ва моддий ёрдам мажбур Низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан, «Ягона реестр» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

Яъни, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиш учун ариза берган оиланинг ижтимоий ҳолати юқоридаги Низом талаблари асосида электрон ахборот тизими орқали ўрганилганда, ўша оила кам таъминланган, деб топилсагина улар болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловларини олиши мумкин.

Оққўрғон туманидаги “Қўштамғали” маҳалласига бириктирилган ижтимоий ходимга Бўстонлик туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари қўнғироқ қилишди.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Киска мулоқотда Турсунбой ота Мамбетов соғлиғидagi муаммолар сабаб Бўстонлик туманидаги касалхоналардан бирида даволанаётгани, муайян яшаш жойига эга эмаслиги, ота уйи Оққўрғон туманида экани маълум бўлди.

Шундан сўнг ижтимоий ходим кейс очиб, Турсунбой отага амалий ёрдам бериш чораларини кўрди. Дастлаб фуқаро Оққўрғон туманидаги болалиги ўтган “Қўштамғали” маҳалласида яшовчи укасининг уйига жойлаштирилди.

Унинг руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида психологик ёрдам кўрсатилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан дори-дармон учун моддий ёрдам ажратилди. Турсунбой отанинг йўқолган пластик картаси ҳамда муддати ўтган паспорти тиклангач, тўхтатилган нафақаси қайта бери-

ладиган бўлди. Ҳозир унинг руҳий ҳолати ва соғлиғида ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда.

Муҳтожлик — тақдирнинг оғриқли синовларидан бири. Бу каби оғир вазиятдаги кишиларни қўллаб-қувватлаш билан уларнинг кўнглига нур ва ёруғлик олиб кирган бўламиз. Ногиронлиги бўлган одам бўладими ёки камбағал оилами, барчаси бизнинг ширин сўзимиз ва кўмагимизга муҳтож. Аслида, кичик кўрсатилган ёрдам билан кўпчилиги ўз йўлини топиб олиш имконига эга. Бунга иш жараёнида яққол гувоҳ бўлиб келяпмиз.

Тошкент вилоятида бугунги кунда Камбағал оилалар реестрига 21 минг 547 та хонадон киритилган. Уларнинг 82 минг нафар аъзолари учун ижтимоий ходим ҳамда ҳоким ёрдамчилари биргаликда индивидуал хизматлар режасини ишлаб чиққан. Шунга кўра, 6 минг 164 та қафолатланган тиббий хизмат, 1 минг 991 та таълим ва касб-ҳунарга ўргатиш, 3 минг 336 та ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, 65 та уй-жой ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича амалий



МУҲТОЖЛИК —
ТАҚДИРНИНГ
ОҒРИҚЛИ
СИНОВЛАРИ-
ДАН БИРИ.

ёрдамлар кўрсатилди.

Аниқ мисолларга тўхталсак, Бўқа туманидаги “Эзгулик” маҳалласида яшовчи Вали Акбаров оғир хасталикдан сўнг бир оёғидан ажралди. Лекин мақсадлари улкан, ғайрати

ичига сиғмайди. Томорқасидан йилига уч марта ҳосил олиб, деҳқончилик қилмоқчи. Қўшимча равишда ошпазлик йўналишида ҳам ўзини сынаб кўрмоқчи. Унинг шароити назоратга олиниб, нафақа пули тайинланди. Шунингдек, кўмир, озик-овқат, иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан пул маблағи ажратилди. Фуқаронинг ҳаракатланишини осонлаштириш учун оёғига протез берил-

ди. Айни вақтгача кўрсатилган моддий ва маънавий эътибор унинг янги режаларига қанот бўлмоқда.

Йиғиндаги яна бир оила — Исаевлар хонадонида бўш турган ерга кўчат экиш режалаштирилган эди. Бугун уларнинг томорқасига минг донна терак қаламчаси экилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу оила сават тўкиб сотади. Навбатдаги режаси фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишдан иборат.

— Бўқа туманидаги ҳар икки оила менга бириктирилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиги Миразиз Мирсultonов. — Уларнинг ҳаётидаги кичик ўзгаришларни ҳам ўзим учун катта қувончдек қабул қиламан. Ўзимга бириктирилган оила вакилларига муносиб иш ва турмуш шароити яратиш борасидаги ташаббусларни давом эттирамиз.

Ижтимоий ҳимоя тизимида ҳар бир фуқарога алоҳида ёндашув асосида иш кўрилсагина ижобий натижага эришиш мумкин. Биз айна мақсад сари ҳаракат қилар эканмиз, маҳаллалардаги ҳеч бир хонадонни, ҳеч бир кишини эътибордан четда қолдирмасликни асосий шиор қилиб олганмиз.

ТАҲЛИЛ



Энди судда иш юритиш тарафлар келишуви сабабли тугатилганда ДАВЛАТ БОЖИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИ.



Айрим трактор ва комбайнларга GPS қурилмаси ўрнатилмаса, ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАЙДИ.



2025 йил якунигача “ХУДУДЛАР СТАТИСТИКАСИ” ахборот тизими ишга туширилади.

ТАҲЛИЛ

АЖРАШИШ ОХИРГИ ЧОРА ЭМАС...

Ажрашиш — жуда оғир ҳиссий жараён. Бир қарашда оддий ва осон ечим топса бўладиган вазиятдек кўриниши мумкин. Аслида эса ҳар бир оиланинг ўзига яраша чигал ҳолатлари бўлади. Мутахассислар фикрига кўра, ажрашишнинг психологик, иқтисодий, ижтимоий ёки маданий сабаблари мавжуд.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрлади.

Мавзуга батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари бахтли ҳаётнинг асоси эканини тан олмай иложимиз йўқ. Ўртада бир-бирига нисбатан меҳр ва ҳурмат туйғулари бўлмаса, барчаси бекор. Шу боис оила қуриш арафасида турган ёшларнинг феъл-атвори мослигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иқтисодий қийинчилик, моддий етишмовчилик ҳолатига тушиб қолмасликдан ҳеч ким ҳимояланмаган. Шундай экан, тақдирнинг бу арзимас синовига енгилиб, оила аталмиш кўрғонни бузиш қанчалар аянчли. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, ҳозир ора-мизда ўқинчи ҳою ҳавасларга берилиб, фарзандларини тирик етимга айлантираётган ота-оналар кўплаб топилади. Аслида, эр-хотин бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, барча етишмовчиликларни бартараф этиши мумкин.



Масаланинг энг мураккаб нуқтаси, бу — ҳиёнат. Агар муносабатларга ишончсизлик ва шубҳа аралашадиган бўлса, уни ўнглаш анча қийин кечади. Эркак ёки аёлнинг ҳиёнати эса кўпинча сўнгги нуқтанинг қўйилишига олиб келаётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Вазият шу даражага етиб келгунга қадар қанчадан-қанча муаммолар, келишмовчиликлар юзгага келган бўлиши мумкин. Шунин билганимиз ҳолда, оилаларда илк низо юзгага келгани ҳамон муносиб чорани кўриш талаб этилади.

Ажрашишларнинг яна бир сабаби — оилавий ўзравонлиқдир. Аёлга нисбатан кўрсатиладиган ҳурматсизлик, жисмоний ва рухий босим унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Яқинда бир танишимнинг қизи айна шу муаммо сабаб қийин вазиятга тушиб қолди. Қайнона уни йиллар давомида калтаклаб келган. Лекин келин бу ҳақда ота-онасига айтмаган. Гарчи турмуш ўртоғи билан муносабатлари яхши бўлишига қарамай, куёв аёлини опасидан ҳимоя қила олмаган. Охири иш шу даражага етиб борадики, ҳомиладор аёл қаттиқ мушт зарбидан зинадан йиқилиб тушади. Касалхонага олиб боришганда, у ҳушини йўқотган бўлиб, ўзига келтириб олгунча анча вақт кетади. Ички ишлар ҳодимлари қизнинг ота-онасига хабар бергач, вазият янада мураккаблашади. Муносабатларга дарз кетиб, оила 2 нафар фарзанди билан ажрашишга мажбур бўлади.

Ачиниш билан айтиш мумкинки, охириги вақтда бу каби ҳолатларни кўплаб учратяпмиз. Баъзан киши бирор чора кўришга ожиз қолади. Шундай вазиятларда мутахассислардан ёрдам олиш, психологлар кўмагига таяниш яхши натижа бериши мумкин.

Нима бўлганда ҳам доим сабаблар топилади. Инсоннинг зиммасидаги энг муҳим вазифа эса мустаҳкам ирода билан барча синовларни енгиб ўтишдан иборат. Бизга мунчоқ кўзлари билан жавдираб турган мурғак қалбларда алам, ғам эмас, балки шодлигу қувонч қуртак отиши ўзимизнинг қўлимизда.

ЖАРАЁН

Хонадон ҳолатини ўрганмасак, турмушини ўзгартириш имконсиз



Муҳаббатхон ХАЙДАРОВА,
Қўштепа туманидаги “Йўлдошобод” ва “Нурафшон” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла тизимида 22 йилдан буён фаолият юритиб келаётган бўлсам, доим одамлар билан қалбан яқин бўлишга ҳаракат қилганман. Агар оиланинг ичига кириб бормасак, ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити ва муаммолари билан қизиқмасак, қуруқ қоғоз тўлдириб ўтириш билан қимнингдир ҳаётини ижобий томонга ўзгартириш имконсиз. Аҳоли “маҳалла еттилиги” ҳодимларини таниши, керак бўлса, сирдошидек билиши керак. Шу боис кундузи, асосан, уйма-уй юришга ҳаракат қиламан. Меҳнат билан банд кишиларга бир оғиз “Хорманг”, деб қўйиш билан қайфиятини қанча кўтарган бўламиз. Хужжат ишларини эса кечқурунга олиб кўяман. Ҳозир мен хизмат кўрсатаётган иккита маҳалла ҳудудида 3 минг 700 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларга ёрдам кўрсатиб, фақат роҳатланаман. Сабаби, ҳаммаси меҳнат қилишга иштиёқманд. Бир қарич ердан ҳам даромад топиш йўлини қидири-

шади. Худуддаги ҳар бир хонадонда узум етиштирилади. Бундан ташқари, томорқасига саримсоқпиёз, редиска ва кўкат экиб, йилига 2-3 қайта ҳосил олади. Ўтган йили 41 нафар аёлни тикувчилик ва қандолатчилик йўналишларида ўқитдик. Уларнинг 8 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Хунар эгаларининг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалламизда кичик цех ташкил этдик. Айни вақтда 21 нафар киши бу ерда ишлаб, оиласига даромад олиб қирмоқда. Мавсумга мос тарзда тикилаётган кийим-кечакларнинг харидорлари бисёр.

Санобар Турғунова 16 йилдан буён гулчилик билан шуғулланади. Майдони 12 сотихни ташкил этадиган еттига иссиқхонасида 60 турдаги хонаки гулларни етиштириб, йилига 100 миллион сўмдан кўпроқ фойда кўради. Шунингдек, арча дарахтлари парваришини ҳам йўлга қўймоқда. Тадбиркорга маҳалла тавсияси билан берилган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит ўзини оқлади. Бугун Санобар опа тарбиялаган шогирдлар ўз йўлини топиб, мустақил фаолиятини бошлаган. Хусусан, Соҳибхон Улмасова 6 ой давомида ўстозидан соҳанинг сирасорларини ўрганиб, ҳозир 18 сотихли томорқасининг 7 сотихида иссиқхона ташкил

этган. Қўшни мамлакатлардан гул уруғи ва кўчатларини олиб келиб, кўпайтиряпти. Шу аснода 7 кишининг доимий бандлигини таъминлаган.

Маҳалламиз аҳли миллий қадрият ва аъналарга ўзгача ҳурмат билан ёндашади. Бу ўзаро мулоқот ҳамда катталарга бўлган муносабатда яққол кўзга ташланади. Келинлар эрта тонгдан ким аввал кўчасини супуриш бўйича мусобақалашади. Уларни “баракалла”, деб рағбатлантириб қўйиш билан анадая қайфиятини кўтаришга ҳаракат қиламан. Баъзан саранжом-саришта оила келинларини йиғилиш ва учрашувларда алоҳида тилга олиб ўтаман. Эътироф аёлларга ўзгача куч-ғайрат бағишлашини биламан.

Олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп. 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан худуддаги минни футбол майдончасида қўшни маҳалла аёллари билан волейбол мусобақасини уюштиришни режалаштиряпмиз. Шунингдек, бокувчисини йўқотган бир аёлнинг ўғлига суннат тўйи қилиб беришни ўйлаб турибмиз. У турмуш ўртоғидан айрилгач, уч нафар фарзанди билан анча қийналиб қолди. Яқинда ҳомийлар кўмағида болаларига кийим-кечак олиб берилди. Бу каби муҳтож кишиларнинг ҳолидан тез-тез хабар олишга вақт ажратамиз.

ТАҲРИБА

Қўзиқорин — ҳам даво, ҳам даромад

АЙНИ КУНДА БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЭРКИН ТАДҚИҚОТЧИСИ ҲИСОБ-ЛАНГАН СИТОРА НЕЪМАТОВА ИЛМий ИЗЛАНИШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТАДБИРКОРЛИКДА ҲАМ ЯХШИГИНА ТАҲРИБАГА ЭГА. КОГОН ТУМАНИНИНГ “ТУТКУНДА” МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ БУШ ТУРГАН МАЙДОННИНГ 300 КВАДРАТ МЕТРГА ЯҚИН ҚИСМИДА ҚўЗИҚОРИН ЕТИШТИРМОҚДА.

Қўзиқорин етиштириш мураккаб жараён эмас, қопчаларга солинган чигит қипиғига экилган уруғ 30-35 кунлик парваришдан сўнг тайёр бўлади ва сотувга чиқарилади. Қўзиқорин терими бир кунлик иш эмас. Етилган ҳосил пешма-пеш йиғиб олинади.

— Шу мўъжизина майдондан йил якунигача 8 тоннадан ортиқ қўзиқорин ҳосили олиш ҳаракатидаман, — дейди “Султонов Шариф” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ситора Неъматова. — Агар ҳар килограмм ҳосилни ўртача 30-35 минг сўмдан ҳисобласак, 250 миллион сўмдан ошiq моддий манфаатдорликка эришамиз. Шундан 35 миллион сўм атрофида сарф-харажат қилдизан бўлсак, умумий даромаддан қўлга қиритиладиган сарф фойдани чамалаш қийин эмас.

Эндиликда 8 йиллик иш тажрибасига эга ишбилармон аёл тайёр қўзиқорин маҳсулотини худуддаги савдо дўконлари, умумий овқатланиш шохобчаларига, қўзиқориндан салат тайёрловчи цехларга етказиб бериб, даромад топмоқда. Асосийси, бу маҳсулотга ҳар доим талаб бор. Қолаверса, замонавий тиббиётда ҳам қўзиқориннинг табиий инсулин ва ферментларга бойлиги аниқланган. Шу боис, қандли диабет касаллигида яхши даво воситаси ҳисобланади.



Бугунга келиб “Султонов Шариф” масъулияти чекланган жамияти қўзиқорин етиштириш ва бошқа тармоқлар бўйича 15 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, уларга 1-2 миллион сўм атрофида ойлик маош тўлаб келмоқда. Уларнинг иш вақти қунига 4-6 соатни ташкил этади. Шу билан бирга, қўзиқоринчиликка иштиёқманд 100 нафарга яқин шогирди орасидан соҳада яхшигина тажриба орттириб, ўз фаолиятини бошлаганлар бор.

Эслатиб ўтиш жоизки, қўзиқориннинг фойдали хусусиятлари жуда кўп. Мисол учун, бу маҳсулот иммунитетни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Ундаги летсетин моддаси томирларни тозалаш ва холестеринни камайтиришга ёрдам беради. Атеросклерознинг олдини олади.

Учқун ТОҶИЕВ,
журналист.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Умид АБДУЛЛАЕВ.
Тошкент шаҳри:

— Ташкилотларда муҳим саналар, қонунчиликда белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари муносабати билан ҳодимларни рағбатлантириш тартиби йўлга қўйилган. Меҳнат кодексига 9 та шундай турдаги байрам кунлари белгилаб қўйилган. Айтинчи, 8 март — Хотин-қизлар кунни арафасида байрам пулини эркак ҳодимлар учун ҳам берса бўладими?

8 МАРТ — БАЙРАМ КУНИДА ЭРКАКЛАРНИ МУКОФОТЛАШ МУМКИНМИ?



Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ,
юрист, ҳуқуқшунос:

— Ҳа, албатта, мумкин. Бу ташкилот ички локал ҳужжатларига боғлиқ. Чунки Меҳнат кодексининг 67-моддасига кўра, жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини унинг тарафлари белгилайди.

Айтайлик, ташкилот жамоа шартномасида иш берувчи ҳодимларга Меҳнат кодексининг 208-моддасида назарда тутилган байрамлар муносабати билан мукофотлаш қўлланилиши

баён қилинган бўлса, 9 та байрам (ишланмайдиган) кунлари муносабати билан барча ҳодимлар учун (жинсидан қатъи назар) мукофотлаш қўлланилади.

Демак, ҳулоса қиладиган бўлсак, агар ташкилот ички локал ҳужжатларида “Меҳнат кодексининг 208-моддасида назарда тутилган байрамлар муносабати билан мукофотлаш қўлланилади”, деб ёзилган бўлса, эркак ҳодимлар учун ҳам 8 март байрами муносабати билан мукофот берилиши керак.

Хитойда ТоҶ ЧАНҒИСИ бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 6 та медалга сазовор бўлди.



FIDE РЕЙТИНГИДА
Нодирбек Абдусатторов 6, Жавоҳир Синдоров 29, Рустам Қосимжонов 49, Шамсиддин Воҳидов 51, Нодирбек Ёқуббоев 71-поғонадан жой олди.



БОКС БЎЙИЧА анъанавий “Stranja” халқаро турнирида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 5 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалига сазовор бўлди.

8

№17 | 2025 йил 5 март, Чоршанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БАДАНТАРБИЯ

СТОЛ ТЕННИСИ:



Шаркий Осиёда пайдо бўлган стол теннисни ёки пинг-понг – кичик копток ва ракеткалар билан столда ўйналадиган спорт ўйини. XX асрнинг 20-йилларидан кўп мамлакатларга тарқалган. Дастлаб “пингпонг” (французча: “ping pong” – коптокнинг ракетка ва столга урилишида чиқадиган овоз) деб аталган.

Дилафрўз АЗИМОВА, стол теннисни бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби.

Стол теннис – ёшу қари учун бирдек оммабоп спорт турларидан бири. Бу ўйинни ҳушламайдиган киши йўқ. Бир томондан у инсонга завқ бағишласа, иккинчи тарафдан тенниснинг инсон саломатлигига фойдаси беқиёс.

КЎЗЛАР РАВШАН ТОРТАДИ, АБЖИРЛИК ВА ЧАҚҚОНЛИК ОРТАДИ



Стол теннисни учун, одатда, стол ўлчами 152,5x274,3 см. баландлиги 76 см. тўри 183x15,25 см. бўлади. Ёғоч ракетканинг юзига резина пластина қопланади. Копток оқ пластикадан ясалди, диаметри 37,2–38,2 мм. оғирлиги 2,4–2,53 грамм. Расмий мусобақалар спорт залларида ўтказилади: эркаклар ва аёллар – жамоа бўлиб, яққа ҳолда ва жуфтликда ҳамда аралаш жуфтликда беллашади. Ўйин 3 ёки 5 партиядан ўйналади. Ўйинчилардан бири 11 очко тўпласа, у ғолиб ҳисобланади. Агар ҳисоб 10:10 бўлиб қолса, унда ўйинчилардан бири 2 очко ортик тўплагунча ўйин давом эттирилади.

Ҳўш, нима учун стол теннисини ўйнаб туриши керак? У бизга нима беради?

Бу спорт билан шугулланган кишида, **биринчи навбатда, кўриш қобилияти яхшиланади.** Узоқни яхши кўра олмайдиган, компьютер қаршиида кўп ўтирадиган ёки кўзини бирор

хасталикдан даволатган кишиларга стол теннис катта ёрдам беради. Чунки ўйин вақтида инсоннинг бутун диққат-эътибори фақат коптокда бўлгани боис, кўз қисқа масофа атрофида машқ олади. Шунинг учун стол теннис билан доимий шугулланадиганлар орасида кўз шифокорига мурожаат қиладиганлар деярли учрамайди.

Стол теннис нафас ва юрак-қон томир тизимлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўйин вақтида бир нечта мураккаб зарба берилади. **Бир дақиқада эса 120 тагача зарба берилиши боис, стол теннисининг чаққонликка ва абжирликка ўргатади.**

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, инсон саломатлиги 55 фоиз ҳолатда соғлом турмуш тарзига боғлиқ.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ТЎРТ ТАЯНЧИ БОР

Шухрат ЭРҒАШЕВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, шифокор-валеолог.

Ортиқча вазн ёки бирор ёндош касалликлари бор, соғлиғига етарлича эътибор бермайдиган кишиларда ҳар қандай касаллик оғир кечади. Аксинча, иммунитетни кучли, соғлом турмуш тарзига амал қилувчи инсонлар, ёшидан қатъий назар, хасталикни тез ва осон енгиб ўтади.

Соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик юрак-қон томир, қандли диабет, онкологик, нафас йўллари хасталиклари каби ноинфекцион касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда 78 фоиз ўлим ҳолатлари айти шу хасталиклар билан боғлиқ.

Ҳўш, юқумли бўлмаган хасталикларга чалинмаслик учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда, тўғри ҳаёт тарзини йўлга қўйиш талаб этилади. Соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг эса 4 та асосий усули мавжуд:

- ✓ тўғри овқатланиш;
- ✓ жисмоний фаоллик;
- ✓ руҳий саломатлик;
- ✓ зарарли одатлардан воз кечиш.

Қачонки халқимиз онгли равишда ўз истаги билан соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилишга одатланса, уни ҳаётининг бир бўлаги сифатида қарасагина самарали натижага эришиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, **эндиликда касалликни даволаш эмас, аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом инсон, соғлом оила ҳамда соғлом жамиятни яратишга ҳаракат қилишимиз зарур.**

САЛОМАТЛИК

ИММУНИТЕТНИ ҚАНДАЙ МУСТАҲКАМЛАШ МУМКИН?



Иммунитет – организмнинг инфекция ва бактерияларга қарши табиий мудофааси. Унинг асосий вазифаси танага кирган микроб ва вирусларни аниқлаш ҳамда йўқ қилишдан иборат.

Дилобар ҲИДОЯТОВА, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри.

Бу тизимнинг яхши ишлаши, аввало, организмдаги тўғри балансга боғлиқ. Бирок баъзи ҳолларда иммунитет пасайиб, тана касалликларга қарши курашолмай қолади. Бунинг олдини олиш учун эса бир неча қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўғри овқатланиш: ушбу қоида иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, С, D, E каби витаминлар, омега-3 ёғ кислоталари ва турли минерал ҳамда тўқималарга бой егуликлар тананинг курашиш қобилиятини ошириш билан бирга, барқарор фаолият кўрсатишни таъминлайди.

Бунинг учун овқатланиш рацционига саримсоқлиёз, сабзи, лавлаги, занжабил, брокколи, наъматак, қўқатлар, қовоқ, олма,

цитруслар, асал, денгиз балиқлари, сут маҳсулотлари, ёсиз гўшт каби табиий мева-сабзавот ва озуқаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний фаоллик: доимий ҳаракатда бўлиш ва ҳар кун эрталаб бадантарбия қилиш иммунитетни кучайтиради. Айниқса, бунда пиёда юриш, югуриш, велосипед учиб ва сузиш каби спорт машғулоти жуда фойдали.

Тоза сув ичиш: сув организм учун жуда муҳим. У танадан токсинларни чиқариб, иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, ушбу тизимга тўғридан-тўғри фойдали таъсир кўрсатиб, танани заҳарланишдан ҳимоялайди. Аксинча, кам микдорда сув ичиш ҳужайра, тўқима ва органлар фаолиятига салбий таъсир этиб, иммун тизимнинг заифлашишига

олиб келади. Шу сабабли мутахассислар одам бир суткада ҳар бир килограмм вазни учун 40 миллилитр сув истеъмол қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Яхши уклаш: тиникиб уклаш иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, организмнинг тикланишига ёрдам беради. Уйку давомида иммун ҳужайралари янада самарали ишлайди. Организмнинг тўлиқ дам олиши учун катта ёшдаги инсонлар ҳар кун ўртача 7-8 соат уклаши керак.

Стрессдан сақланиш: давомий асабийлашиш иммунитетнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун руҳий барқарорликни сақлаш жуда муҳим.

Гигиенага риоя қилиш: қўлларни тез-тез ювиш ва бошқа санитария қоидаларини амалга ошириш микроб ҳамда вируслардан ҳимоялайди.


Шунингдек, касалликларга қарши вакцина олиш, ёмон одатлардан воз кечиш ҳам иммунитетни мустаҳкамлайди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Аҳад АБРАЕВ.

Қашқадарё вилояти:

– *Бир танишим овқатдан сўнг дуо қилаётган вақтда ишларимизни “Довуд пирим қўлласин”, баъзан эса “Йиғит пирим қўлласин” деб дуо қилади. Шундай деб дуо қилиш жоизми?*



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Бундай дуо қилиш жоиз эмас. Мусулмон киши барча хожатларини фақат Аллоҳ таолодан сўраш ва унинг Ўзаги-на ибодат қилиши лозим. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай дейди: “...Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни (Унга) шерик қилмасин!” (Аҳқоф сураси, 110-оят).

Ҳар қандай истак, тилаклар фақат ёлғиз Аллоҳдан сўралиши керак. Айниқса, вафот этган авлиёлар хожатларни ҳал қилади, ғам ташвишларни кетказди, деб, улардан ёрдам, мадад ва қўллаб-қувватлашни сўраб эътиқод қилиш қаттиқ адашишдир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача ҳам (дуони) мустажоб қила олмайдиганларга илтижо қиладиган кимсадан кўра ким ҳам адашганроқдир?! Ҳолбуки, у (жонсиз бут)лар ўша (мушир)ларнинг дуоларидан ғофил (беҳабар)дирлар” (Аҳқоф сураси, 5-оят).

Пир тасаввуфда устоз маъносини билдиради. Баъзи илмсиз кишилар ўтган пирларга нисбатан нотўғри эътиқод қилиб, уларни турли қойибона ёрдамларни бериш қобилиятига эга, деган ҳаёлга борадилар. Шу маънода “Е, пирим!” дейиш шаръан дуруст эмас. Қолаверса, бундай деб дуо қилиш Аллоҳ таолога нисбатан одобсизлиқдир.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВР
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 200 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.